"AUTOSANOAT
AGRO LIZING"
Lizing kompaniyasi
Mas'uliyati cheklangan jamiyati

"AUTOSANOAT
AGRO LEASING"
Leasing Company in a from of
Limited Liability Company

ATIB "Ipoteka bank" Mehnat filiali, h/r: 2020 8000 7054 6243 3001, MFO: 00423, STIR: 309 043 636, e-xat: autosanoatagrolizing@exat.uz,
manzil: Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Bobur ko'chasi 34 uy ("Bobur" biznes markazi, 4-qavat), tel: 71 207 10 73 (75).

"4" октября 2023 yil № 31-к/2.

БУЙРУҚ

Комплаенс назоратига оид ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тизимлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон "Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 01-07/6859-сон хатда назарда тутилган таклифларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, амалдаги комплаенс назоратига оид сиёсат ва процедураларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлаштириш, Жамиятда жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларни замон талабларига мослаштириш ва уларни мақбуллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қуйидаги:

1.1. "Autosanoat agro lizing" МЧЖнинг "Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати" буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ;

1.2. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти” буйруқнинг 2-иловасига мувофиқ;

1.3. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати” буйруқнинг 3-иловасига мувофиқ;

1.4. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти” буйруқнинг 4-иловасига мувофиқ;

1.5. “Autosanoat agro lizing” МЧЖда “Ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича” Йўриқнома буйруқнинг 5-иловасига мувофиқ;

1.6. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш процедураси” буйруқнинг 6-иловасига мувофиқ;

1.7. “Autosanoat agro lizing” МЧЖга “Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича” Йўриқнома буйруқнинг 7-иловасига мувофиқ;

1.8. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти” буйруқнинг 8-иловасига мувофиқ;

1.9. “Autosanoat agro lizing” МЧЖда “Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича” Низом буйруқнинг 9-иловасига мувофиқ;

1.10. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси” буйруқнинг 10-иловасига мувофиқ;

1.11. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ” Кодекси буйруқнинг 11-иловасига мувофиқ;

1.12. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Хайрия ва тижорат хомийлиги бўйича сиёсати” буйруқнинг 12-иловасига мувофиқ;

1.13. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати” буйруқнинг 13-иловасига мувофиқ;

1.14. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Санкциялар ва экспорт назорати сиёсати” буйруқнинг 14-иловасига мувофиқ;

1.15. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳат қилиш ҳақида”ги Процедураси буйруқнинг 15-иловасига мувофиқ;

1.16. “Autosanoat agro lizing” МЧЖга “Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низоми буйруқнинг 16-иловасига мувофиқ;

1.17. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги Низоми буйруқнинг 17-иловасига мувофиқ;

1.18. “Autosanoat agro lizing” МЧЖда “Ходимларнинг одоб-ахлоқ Қоидалари” буйруқнинг 18-иловасига мувофиқ;

1.19. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Коррупцияга оид ҳуқубузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низоми буйруқнинг 19-иловасига мувофиқ;

1.20. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Жамият ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми буйруқнинг 20-иловасига мувофиқ;

1.21. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Хизмат текшируви ва уни ўтказилиши тартиби тўғрисида”ги Низоми буйруқнинг 21-иловасига мувофиқ;

1.22. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Комплаенс хизмати тўғрисида”ги Низоми буйруқнинг 22-иловасига мувофиқ қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

2. Комплаенс хизмати (У.Султанбоев) томонидан:

2.1. **Бир ой ичида жамият ходимларини** юқорида қайд этилган низом, кодекс, сиёсат ва процедуралар билан таништирилиши таъминлансин;

3. Ходимлар билан ишлаш ва маъмурият бошқармаси (**Атаматова**)га мазкур буйруқни жамиятнинг ташкилий бўлинмаларига етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Комплаенс хизмати бўйича мутахассис У.Султанбоев зиммасига юклансин.

Бош директор **Б. Каримов**